



THEORETICAL AND LEGAL DESCRIPTION OF THE CONCEPT AND NATURE OF THE CRIME OF BRIBERY

Yusupov Farrukh Narimanovich

Independent researcher of
the MIA Academy

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12604086>

ARTICLE INFO

Received: 24th June 2024

Accepted: 29th June 2024

Online: 30th June 2024

KEYWORDS

State, society, law, corruption, bribery, bribery, criminal property.

ABSTRACT

The article analyzes the negative impact of bribery in the life of the state and society, the concept of the crime, the theoretical and legal description of its essence, crimes related to taking bribes, giving bribes, mediation in taking and giving bribes, and a number of suggestions are made.

ПОРАЎЎРЛИК ЖИНОЯТИ ТУШУНЧАСИ, МОЎИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ-ЎУЎУЎИЙ ТАВСИФИ

Юсупов Фаррух Нариманович

ИИБ Академияси мустақил изланувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.12604086>

ARTICLE INFO

Received: 24th June 2024

Accepted: 29th June 2024

Online: 30th June 2024

KEYWORDS

давлат, жамият, ҳуқуқ, коррупция, пораҳўрлик, пора, жиноят мулк.

ABSTRACT

Мақолада давлат ва жамият ҳаётида пораҳўрликни салбий тасири, жинояти тушунчаси, моҳиятининг назарий-ҳуқуқий тавсифи, пора олиш, пора бериш, пора олиш ва беришда воситачилик қилиш билан боғлиқ жиноятлар таҳлил қилинган ва бир қатор таклифлар билдирилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар замирида кўплаб масалалар қатори қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши кураш тизимини тубдан ислоҳ қилиш лозимлигини кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Коррупциянинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди” деб таъкидлаб ўтганлар.

Бундан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1978 йил 17 декабрда қабул қилинган “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мансабдор шахсларининг юриш-туриш кодекси”ни кўрсатишимиз мумкин. Мазкур ҳужжатнинг 7-моддаси “b” бандига асосан, коррупция – бу “мансабдор шахснинг ҳар қандай шаклдаги манфаат эвазига ўз мансаб ваколатлари доирасида мазкур манфаатни тақдим этувчи



шахс фойдасини кўзлаб содир этган ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги” тушунилади¹, деб кўрсатилган бўлса, Европа Кенгаши томонидан 1999 йилда қабул қилинган Коррупция учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги конвенцияда коррупцияга “пора олувчидан талаб қилинадиган мажбуриятлар ва юриш-туриш қоидаларини бажаришдан оғдиришга қаратилган ҳар қандай афзалликларни бевосита ва билвосита бериш, қабул қилиш, таклиф қилиш ёки сўрашдан иборат ҳаракатлар” сифатида таъриф берилди².

Шунингдек, мазкур таърифни қўллаб қувватловчи айрим олимлар ҳам коррупцияни порахўрлик жиноятлари сифатида таърифлашади. Жумладан, А.И.Долгованинг таъкидлашича, коррупцияни “давлат хизматчилари ёки ўзга хизматчиларнинг пора эвазига оғдириб олиниши ва шу асосда улар ўз хизмат ваколатларидан шахсий ёки муайян гуруҳ манфаатлари йўлида ғаразли ниятларда фойдаланиши билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳодиса” сифатида тушуниш лозим бўлади³. Юқорида билдирилган фикрлар қонунчилигимиздаги порахўрлик жиноятларига оид нормаларни танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқишни, мазкур жиноятлар элементларининг комплекслиги ва мақсадга мувофиқлигини, соҳага оид халқаро стандартлар ҳамда илғор хорижий тажрибанинг миллий қонунчиликка етарли даражада этилиши мақсадга мувофиқлигини тақозо этади. Қонунда порахўрликка оид жиноят турларининг қўйидаги кўринишлари мавжуд:

Пора олиш жинояти Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддасида белгилаб қўйилган бўлиб, унинг диспозицияси “Пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлиши” – деб таъриф берилган.

Шунингдек, пора бериш жинояти (ЖК 211-модда) ёки пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятларининг (212-модда) диспозитциялари такомиллаштирилиб борилди. Мазкур моддаларга киритилган асосий ўзгартишлардан бири - модданинг “Башарти, пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жиноий ҳаракатларни содир этганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши”⁴ киритилган.

Дарҳақиқат, порахўрлик давлат ва жамият аппаратининг нормал фаолият кўрсатишига ҳалақит беради, унинг обрўсини туширади, ижтимоий адолатга бўлган

¹ Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка (Принят резолюцией 34/169 Генеральной Ассамблеи ООН от 17 декабря 1979 года) // [Электрон манба]. URL:

https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/code_of_conduct.shtml

² Конвенция о гражданско-правовой ответственности за коррупцию (Страсбург, 4 ноября 1999 года) //

[Электрон манба]. URL: <https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions/rms/090000168007f58c>

³ Долгова А. И. Криминология. Учебник для вузов. 2001. С. 347.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 14.05.204-йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги ЎПҚ-372-сон қонуни, (Электрон манба), <https://lex.uz/docs/2388207>



ишончни сўндиради, кўпинча фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилишига олиб келади. Мамлакатимизда бугунги кунда порахўрликка қарши кураш борасида амалга оширилаётган ислоҳатлар ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим ўрин тутаяди. Ҳар бир тушунчанинг мазмун-моҳияти унинг луғувий маъносига боғлиқ. Ўзбек тилининг изоҳли луғатига назар ташлайдиган бўлсак, *“порахўрлик” сўзининг ўзагини пора сўзи ташқил қилиб, арабча сўздан олинган бўлиб “булак, лахтак, парча, ҳисса, улуш, ертилган, кесилган” деган маънони билдиради. Ушбу тушунчадан кўриниб турибдики порахўрлик ниманидир бўлагини, парчасини ёки ҳиссасини, улушини олишни назарда тутувчи тушунча сифатида эътироф этилган. Бугунги кунда ҳуқуқий адабиётларда ёки қонунчиликда порахўрлик тушунчаси аниқ бир тушунча билан ёритилмаган. Ҳозирги кунгача ушбу тушунча юзасидан олимлар томонидан тор ва кенг маънода турли хил фикр ва мулоҳазалар юритилган. Жумладан Р.А.Зуфаров томонидан порахўрлик жиноятига қуйидагича таъриф берилган. Тор маънода пора олиш, ЖКнинг 212-моддасида назарда тутилган жиноятлардир. Кенг маънода “порахўрлик” тушунчаси учта жиноят таркибини: порп олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилишни қамраб олади (ЖКнинг 210, 211, 212-м.).⁵ Порахўрлик тушунчасига жиноят ҳуқуқий томондан таъриф бериладиган бўлса, ушбу атаманинг таърифи фақат унинг ҳуқуқий табиатига дахлдорлигига гувоҳ бўламиз. Шунинг учун ҳам ҳуқуқшунослар томонидан фақат порахўрликнинг ҳуқуқий мазмуни ўрганилган. Совет даври юридик адабиётида узоқ йиллар давомида унинг ҳуқуқий табиати ҳақида баҳс юритилди: пора олиш ва бериш ягона жиноятми ёки мустақил жиноятларми? Кўпгина муаллифлар, жумладан, Б.В.Здравомыслов, В.Ф.Кириченко, В.Е.Мелникова, Н.А.Стручков, М.Д.Шаргородский ва ҳоказолар “порахўрлик” атамасидаги пора бериш, пора олиш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш хатти-ҳаракатлари мустақил жиноятлар деб ҳисоблашган⁶.*

Б.В.Волженкин бу борадаги олимларнинг позиция ва қарашларини умумлаштириб, “барча фикрларнинг вакиллари пора олиш ва беришга тажовуз қилиш объекти бир хил – давлат бошқаруви аппарати мансабдор шахснинг ўз расмий фаолияти билан боғлиқ равишда пора берувчи томонидан ўтказилган ноқонуний моддий кўринишдаги ҳақни қабул қилиши орқали давлат бошқаруви нормал фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилиши” деб ҳисобланиши ҳақида якуний хулосага келган. Шу билан бирга, Совет давридаги ва замонавий қонунчиликда мансабдор шахснинг қонуний ва ноқонуний фаолияти пора билан мукофотланганидан қатъи-назар пора бериш жинояти (порахўрлик) деб тан олинган.

Таъсир объекти моҳиятига кўра, бундай талқин қилиниши мунозарали масала ҳисобланади. Чунки, мансабдор шахс бундай йўл билан давлат аппарати нормал

⁵ Р.А.Зуфаров “Порахўрликка қарши курашнинг жиноят ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: назария ва амалиёт” - Т: 2006. 28-29Б

⁶ См., например: Кириченко В.Ф., Бойцов Б.В. Взятничество // Уголовная ответственность за хищения государственного или общественного имущества, хозяйственные преступления и взяточничество. - М., 1967 г., - С. 184; Гельфанд И.А. Хозяйственные и должностные преступления в сельском хозяйстве. - Киев, 1970. - С. 227.; Мельникова В.Е., Ответственность за взяточничество. - М., 1982. - С. 5; Квициния А.К. Должностные преступления: уголовно-правовые и криминологические аспекты. - Тбилиси, 1988. - С. 153; Ляпунов Ю.И. Корыстные правонарушения нетерпимы. - М., 1989. - С. 84.



фаолиятига тўлиқ тажовузни амалга ошириши, расмий фаолияти учун давлат қонунида тўлаш (ҳақ олиш) тамойилини бузиши учун кимдир унга пора бериши керак бўлади. Бинобарин пора берувчи, шу жамладан мажбурлаш (пора талаб қилиш) таъсири остида иш тутган шахс ҳам ушбу жиноятга шерикдир, чунки у қасддан мансабдор шахс билан биргаликда давлат бошқаруви фаолиятига тажовуз қилишда иштирок этади⁷.

Шу билан бирга, жиноят ҳуқуқи соҳасидаги кўплаб тадқиқотчилар Б. В. Волженкиннинг бу позициясига қўшилмаганлигини таъкидлаш керак. О. Качмазовнинг таъкидлашича "... пора олиш ва бериш ўртасида яқин алоқа бўлса-да, улар мустақил жиноятлардир, чунки улар бир-бирига нисбатан махсус, фақат ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан, жиноят предметидаги фарқнинг оддий ҳақиқати шу қадар аҳамиятлики, уларни ягона жиноят деб ҳисоблашга имкон бермайди"⁸.

Фикримизча, бу ёндашув тўғри ва асосли бўлиб, ҳақиқатан ҳам пора олиш ва бериш жинояти юридик таркиби жиҳатидан ҳам алоҳида-алоҳида элементларга эга хатти-ҳаракатлар ҳисобланади. Бу ёндашув ўзининг юридик асосга эга бўлганлигини кейинчалик халқаро ҳуқуқда умумэътироф этилганлиги билан баҳолашимиз мумкин.

Бошқа бир рус олими И.А.Клепицкийнинг фикрига кўра, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қидиш мустақил жиноят эканлиги ҳақидаги ғоялар ғалаба қозонганлигини тан олиш зарурдир⁹. Воситачилик билан боғлиқ ҳаракатлар ҳозирга қадар турли давлатлар амалиётида турли кўринишларга эга бўлиб, баъзиларида пора олиш ва пора бериш жиноятида таркибида квалификация қилинса, баъзиларида ушбу қилмиш мустақил жиноят сифатида ўрнатилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Буюк Совет Энциклопедияси жиноят қонун нормаларига асосланган "порахўрлик" сўзини уч турдаги жиноятларни бирлаштирадиган концепция сифатида аниқлади: пора олиш, пора бериш, пора олиш ва беришда воситачилик қилиш. Пора олиш - "расмий шахс томонидан ёки ҳар қандай моддий қадриятларни (нарсалар, пул) шахсан ва воситачилар орқали қабул қилиш орқали бу шахснинг мавқеи туфайли содир бўлиши керак бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган ҳаракатни пора берувчининг манфаатлари учун фойдаланиши ёки бажармаслик учун ҳар қандай мулкӣ фойда олиш" деб эътироф этилади. Унда номоддий манфаат кўриш пора деб ҳисобламайди.

Т. Ф. Ефремов томонидан таҳрир қилинган рус тилининг янги изоҳли луғатида "порахўрлик" атамаси "пора олиш" деб, жуда қисқа қилиб белгиланган ва "пора" пора берувчининг манфаатлари учун ҳар қандай ноқонуний ҳаракатларни содир этиш учун расмий тўлов" деб талқин қилинган.

Р.А. Зуфаровнинг фикрига кўра, СССР Олий Совети президумининг кейинги фармони 1962 йил 20 февралда қабул қилиниб "Порахўрлик учун жавобгарликни кучайтириш ҳақида" деб номланиб, мансабдорлик жиноятларининг айрим турларининг пора олиш, пора бериш ва пора олиш беришда воситачилик қилиш жиноятлари учун жавобгарлик таъсир чораларини кучайтириб берилди. Шунинг учун

⁷ Волженкин Б.В. Служебные преступления. - М.: Юристъ, 2000. С. 193

⁸ См.: Качмазов О.Х. Ответственность за взяточничество по Российскому уголовному праву. Владикавказ: Иристон. 2000. С. 30.

⁹ См. Клепицкий И.А., Резанов В.И. Получение взятки в уголовном праве России. Комментарий законодательства. М.: Издательский центр АРиНА, 2001.



ҳам жавоб-гарликни айниқса оғирлаштирувчи ҳолатларда пора олганлик учун олий жазо санкцияси қонунга киритилади.¹⁰

Миллий қонунчилигимизда ҳам порахўрлик тушунчаларига таърифлар берилган бўлиб, масалан М.Х.Рустамбоев ўз фикрида порахўрликни – бошқарув органи фаолияти тартибига қарши қаратилган уч мустақил мансабдорлик жиноятлари – пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилишни ўз ичига олган тушунча деб, ҳисобланади.¹¹ Юқорида таъкидлаганимиздек. Порахўрлик жиноятлари мансабдорлик билан боғлиқ ҳолда пора олиш, пора бериш ва ундаги воситачилик қилиш кўринишлари содир этиладиган хатти-ҳаракатлар йиғиндиси ҳисобланади. Порахўрлик жиноятлари тушунчаси порахўрлик билар боғлиқ ҳолда содир этиладиган ҳар қандай жиноятларни қамраб олади. Шунга кўра, ушбу турдаги жиноятларни билиш орқали порахўрлик жиноятлари тушунчаси анлашилади. Масалан, пора олиш, пора бериш, пора олиш ва беришда воситачилик қилиш, хусусий сектордаги пора ва ҳоказолар умумий порахўрлик жиноятари тушунчасини келтириб чиқаради. Айрим олимлар томонидан порахўрлик ягона жиноят – порахўрлик деб биладилар. Порахўрлик жинояти бошқа жиноятлардан фарқли улароқ уни содир этган субъектлар сони билан ажралиб туради. Сабаби ушбу жиноят субъектини пора олувчи, пора берувчи, пора олиш-беришда воситалик қилувчилардан иборат бўлади. Бир сўз билан айтганда, бу бир бутун жиноят сифатида баҳоланади. Порахўрлик жиноятида пора берувчи, пора олувчи ва воситачилик қилувчининг ҳаракатларини қамраб олади. Порахўрлик жиноятини таркибига кирувчи жиноятлар жиноят кодексида ҳар бири алоҳида таснифланган. Порахўрлик жиноятларни тушунчасини ёритишда унинг ўзига хос белгилари муҳим аҳамиятга эга. Порахўрликнинг белгиларига қуйидагилар киради.

- мансабдор шахс томонидан амалга оширилиши;
- мансабдор шахснинг ўз ваколатларидан моддий манфаат йўлида фойдаланиши;
- моддий қимматликларга эга бўлган буюмларни (пул, тақинчоқ, телефон в.х) талаб қилиб олиш;
- муайян бир ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслик;

Бундан ташқари ушбу турдаги жиноятлар Жиноят кодексининг 210, 211-моддалари пора олиш ва пора бериш деб номланган бўлиб, унда давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахслари пора олиши ва фақат тоифадаги мансабдор шахсларга пора бериш билан боғлиқ ҳаракатларни қонунчилик чегаралаб куйганини тушуниш мумкин. Аслида пора олиш тушунчаси *қонун билан ваколат берилган ҳар қандай шахс* томонидан амалга оширилган ҳаракат маъносини англатади. Тўғридан тўғри ваколатга эга бўлган мансабдор шахснинг ҳаракатлари пора олиш мазмунини назарда тутиши мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб порахўрлик жиноятига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ.

¹⁰ Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. Т., 2004 йил, 83-84 бетлар.

¹¹ М.Х.Рустамбаев “Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси” 4-том. Дарслик. Т.:Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Харбий-техника институти, 2018. 390-бет



Порхўрлик бу - мансабдор шахс томонидан бирор бир мақсадни қўлаб ўзига берилган ваколатлардан фойдаланиб, ўзга шахс, яъни пора берувчи фойдасига муайян ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслик эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали пул, қимматли қоғозлар, бошқа мол-мулкни олиш, беришни талаб қилиш ёки ўтказиш орқали амалга оширилиши тушунилади.

Порахўрлик тушунчасининг аниқлиги ушбу турдаги жиноятларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

References:

1. Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка (Принят резолюцией 34/169 Генеральной Ассамблеи ООН от 17 декабря 1979 года) // [Электрон манба]. URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/code_of_conduct.shtml
2. Конвенция о гражданско-правовой ответственности за коррупцию (Страсбург, 4 ноября 1999 года) // [Электрон манба]. URL: <https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions/rms/090000168007f58c>
3. Долгова А. И. Криминология. Учебник для вузов. 2001. С. 347.
4. Ўзбекистон Республикасининг 14.05.204-йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги ЎРҚ-372-сон қонуни, (Электрон манба), <https://lex.uz/docs/2388207>
5. Р.А.Зуфаров “Порахўрликка қарши курашнинг жиноят ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: нзария ва амалиёт” - Т: 2006. 28-29Б
6. См., например: Кириченко В.Ф., Бойцов Б.В. Взятничество // Уголовная ответственность за хищения государственного или общественного имущества, хозяйственные преступления и взяточничество. - М., 1967 г., - С. 184; Гельфанд И.А. Хозяйственные и должностные преступления в сельском хозяйстве. - Киев, 1970. - С. 227., Мельникова В.Е., Ответственность за взяточничество. - М., 1982. - С. 5; Квициния А.К. Должностные преступления: уголовно-правовые и криминологические аспекты. - Тбилиси, 1988. - С. 153; Ляпунов Ю.И. Корыстные правонарушения нетерпимы. - М., 1989. - С. 84.
7. Волженкин Б.В. Служебные преступления. - М.: Юристъ, 2000. С. 193
8. См.: Качмазов О.Х. Ответственность за взяточничество по Российскому уголовному праву. Владикавказ: Иростон. 2000. С. 30.
9. См. Клепицкий И.А., Резанов В.И. Получение взятки в уголовном праве России. Комментарий законодательства. М.: Издательский центр АРиНА, 2001.
10. Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. Т., 2004 йил, 83-84 бетлар.
11. М.Х.Рустамбаев “Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси” 4-том. Дарслик. Т.:Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Харбий-техника институти, 2018. 390-бет